

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «31» сентябрь

№ 1005-18

Каттақо'рг'он ш. – г. Каттакурган

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, савдо, маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш мажмуаси бинолари қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, “Ўзшахарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхонасининг 2015 йил 25 декабрдаги №1-10/5430 сонли келишув хати ва йиғилиш баённомасини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттакўргон шаҳар Нарпай буйи кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Камалов Бахтиёрнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатта олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўргон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўргон шаҳар Нарпай буйи кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Камалов Бахтиёрга Ингичка кўчасида жойлашган бугунги қунда фойдаланилмай бўш турган 2200,0 кв.метр ер майдонида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш мажмуаси биноларини қуришга ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттакўргон шаҳар Нарпай буйи кўчаси 15 уйда яшовчи фуқаро Камалов Бахтиёрга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62 –Қ сонли қарорида кўрсатилган муддат ичида фуқаро Камалов Бахтиёр томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги қуриш архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган, тасдиқланган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттакўргон шаҳар “Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр” давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
6. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларини ундириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж. Раҳмонов